

## **ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРНИНГ МУЛОҚОТИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

Жиззах Давлат Педагогика институти “Умумий психология” кафедраси ўқитувчиси Ташпўлатова Нодира Худжамурадовна.

Жиззах Давлат Педагогика институти Тарих факултети “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши 2-босқич талабаси Адуваҳобова Зарина Адуғофур қизи.

**Аннотация.** Раҳбарлар ва педагог, ўқитувчиларнинг касбий маҳорат хусусиятларида мулоқотчанликни шакллантириш муҳим муаммодари, раҳбар, ўқитувчидаги шаклланган мулоқот маданияти уларнинг фаолияти самарали бўлиши, уларга алоқадор бўлган ўқувчи шахсининг дунёқараши, билими, шахсий фазилатлари масалаларини ўз ичига олади.

**Калит сўзлар.** Мулоқот, комил инсон, раҳбар, раҳбар шахси, етук кадр, нотик, раҳбарлар ва педагог, ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, мулоқатчанлик.

Баркамол шахс тарбиясини ташкил этиш барча даврларда ҳам ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган.

Жамиятимиз талаб этаётган ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашда таълим муассасаси раҳбарининг ўрни беқиёс бўлиб, бунда айниқса унинг мулоқот маданиятининг даражаси алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, таълим-тарбия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали кечиши учун таълим-тарбия олиб борадиган раҳбар, ўқитувчи шахсининг педагогик маҳорати, хусусан унинг мулоқот маданиятини шакллантириш масаласи муҳимдир. Бу борада республикамызда бевосита раҳбар кадрларни малакасини оширишга қаратилган ишлар етарли даражада олиб борилмоқда. Шунга кўра раҳбарлар, ўқитувчи-педагогларни малакасини оширишда махсус курс сифатида мулоқот маданияти муаммосини киритилганлиги бежиз эмас.

Мулоқотодамлар амалга оширадиган фаолиятлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, у инсондаги энг муҳим эҳтиёжни — жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир инсон учун, айниқса раҳбарлар ва педагоглар учун аҳамияти каттадир.

Мулоқот - одамларнинг биргаликдаги фаолиятлари эҳтиёжларидан келиб чиқадиган турли фаолликлари мобайнида бир-бирлари билан ўзаро муносабатларга киришиш жараёнидир. Яъни, ҳар бир шахснинг жамиятда бажарадиган фаолиятлари (меҳнат, ўқиш, ўйин, ижод қилиш ва бошқалар) ўзаро муносабат ва ўзаро таъсир шаклларини ўз ичига олади. Чунки ҳар қандай иш одамларнинг бир-бирлари билан тил топишишни, бир-бирларига

турли хил маълумотларни узатишни, фикрлар алмашинуви каби мураккаб ҳамкорликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг жамиятда тутган ўрни, ишларининг муваффақияти, обрўси унинг мулоқотга кириша олиш қобилияти билан бевосита боғлиқдир.

Бир қарашда осонгина туюлган шахслараро мулоқот аслида жуда мураккаб жараёндир. Чунки мулоқот бир вақтнинг ўзида қуйидагиларни акс эттиради:

- инсонларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- инсонлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
- бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;
- инсонларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни».

Бу жиҳатлар ўз навбатида айнан мулоқот орқали жамоада жамоа аъзоларининг орасида ҳам ўзаро таъсир, ҳам ахборот алмашинуви, ҳам тушуниш, ҳам муносабат кўринишлари қандай амалга ошишини кўрсатади.

Айтиш жоизки, педагогик мулоқот (педагогик жараёнда иштирок этувчилар ўртасида амалга ошириладиган мураккаб ўзаро таъсир жараёни) бўлиб, педагогик мулоқот шаклига кўра бевосита «юзма - юз» бўлиши; *субъект - субъект* типли (диалогик, шериклик) ёки *субъект - объектли* (монологик) бўлиши мумкин.

Ҳар бир мулоқот турининг ўз қонун-қоидалари, таъсир усуллари ва йўл-йўриқлари борки, уларни билиш ҳар бир кишининг, айниқса педагогик фаолият олиб борадиган тарбиячи-ўқитувчи, устозларнинг бурчидир.

Демак, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқитувчи-ўқувчи, устоз-шогирд, тарбиячи-тарбияланувчи, бошқарувда эса раҳбарнинг қўл остидагилар билан муносабатларининг самарали кечиши учун мулоқотнинг барча воситаларига, айниқса, нутққа эътибор бериш керак. Болаларни илк ёшлик чоғлариданоқ нутқ маданиятига ўргатиш, нутқларини ўстириш чораларини кўриш зарур. Педагог эса шундай нутқ маданиятига эга бўлиши керакки, у аввало унинг фаолиятини тўғри ташкил этишни таъминласин, қолаверса, болаларда нутқнинг ўсишига имконият берсин.

Турли ролларни бажараётган шахсларнинг ўзаро мулоқотлари кутишлар тизими орқали бошқарилади. Масалан, хоҳлайдимиз ёки хоҳламайдимиз, ўқитувчидан маълум ҳаракатларни кутилади, улар ўқитувчи ролига зид бўлмаслиги керак. Раҳбардан ҳам маълум даражада турли ҳаракатлар кутилади, ўз ролларига мос ҳаракат қилган, доимо меъёр мезонида иш тутган кишининг ҳаракатлари одобли ҳаракатлар деб аталади. Масалан, ўқитувчининг одоби, ўз касбини устаси эканлиги, болалар қалбини тушуна олиши, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиши, мулоқотини тўғри ташкил эта олиши унинг одобга эга эканлигининг белгисидир. Одобсиз одам эса бунинг аксидир.

Демак, ўзаро мулоқот жараёнида бир одам иккинчи одамга психологик таъсир кўрсатади. Бу таъсир иккала томондан ҳам англаниши ёки англанмаслиги мумкин. Яъни, баъзан биз нима учун бир шахснинг бизга

нақадар кучли таъсирга эга эканлигини, бошқа бири эса, аксинча, ҳеч қандай таъсир кучига эга эмаслигини тушуниб етмаймиз. Бу эса педагогикада муҳим муаммодир. Ҳар бир педагогнинг ўз таъсир услублари ва таъсир кучи бўлади.

Шахснинг ривожланиши ва маданиятининг кўрсаткичи бўлиб унинг муомала маданияти ҳисобланади. Айниқса, тарбиячи-устознинг ақл-заковати, фикр-туйғулари, билими ва маданиятини, савиясини, тафаккурини сўздаги ифодаси бўлмиш нутқ маданиятини аҳамияти юксакдир. Яхши сўз билан кишиларнинг ишончи, қалбини эгаллаш муимки. Яхши муомала ҳаётнинг қуроли бўлиб, муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади. Одамнинг одоби даставал унинг тилида, кейин тили орқали муомаласида кўринади. Шунинг учун одоб доирасидаги муомала маданиятини ўзлаштирган кишиларга нисбатан фаросатли, фаҳмли, одобли, ақлли, маданиятли каби сифатлар орқали баҳо берилади. Шундай экан, ҳар бир шахс бошқаларга чинакам маънода яхши таъсир этиши учун тилига, тили орқали муомаласига эътибор бериши керак. Бунинг учун фойдали, зарур мавзуларда сўзламоғи, беҳуда маънисиз сўзлардан эҳтиёт бўлмоғи лозим.

Шахснинг фаолиятида асосий кўрсаткичлардан бири – унинг нутқ маданияти ҳисобланади. Ҳар бир раҳбар, ўқитувчи ўз нутқи устида ишлаши, қисқа ифодада кўп фикр айта олиш маҳоратига эга бўлиши керак. Бунинг учун бир қатор сифатларини назарда тутиш керак бўлади: нутқнинг тўғрилиги, нутқнинг аниқлиги, нутқнинг мантиқийлиги, нутқнинг тозаллиги, нутқнинг таъсирчанлиги, тушунарлилиги, мақсадга мувофиқлиги.

Нутқнинг тўғрилиги – бу шахснинг бош алоқавий сифати ҳисобланади. Агар нутқ тўғри бўлмаса, у аниқ ҳам, мақсадга мувофиқ ҳам, мантиқий ҳам бўлмайди. “Тўғрилик деганда, - нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шарт сифатида тилнинг маълум пайтда қабул қилинган нормасига қатъий ва аниқ мувофиқ қилишини, унинг талаффуз, имловий луғат ва грамматик нормаларини эгаллашини тушуниш лозим бўлади”. Демак, нутқнинг тўғри бўлиши энг аввало унинг адабий тил билан нормаларга мувофиқ келишидир.

Нутқнинг мантиқийлиги унинг асосий сифатлари бўлмиш тўғрилик ва аниқлик билан боғлангандир. Нутқ тўғри англаниши учун бу икки сифат бўлши зарур, тўғри тузилмаган нутқ фикрни англамасликка ва мантиқнинг бузилишига олиб келади.

Нутқнинг тозаллиги деганда аввало унинг кераксиз сўз ва иборалардан холи бўлишини тушунилади. Раҳбар, ўқитувчининг нутқида кўпол сўзларнинг ишлатилиши нутқнинг тозаллигига салбий таъсир этади. Оғзаки нутқида қўлланиладиган ҳақорат сўзлари, сўкиниш, қарғаш кабилар жамиятнинг ахлоқ нормаларига тўғри келмайди. Шунингдек, атрофдагилар психологиясига салбий таъсир этади. Раҳбар, ўқитувчи, устоз шахслари ўз нутқлари устида ишлашлари нутқий жараёнда ўзларини назорат қилиб боришлари нутқнинг тоза бўлишига олиб келади.

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, раҳбар, ўқитувчи, устоз омма тушуна оладиган тилда гапириши, уларни ишонтира олиши тушунилади. Бунинг учун эса бу шахсда суҳбат мавзуси юзасидан керакли билим бўлиши билан

бирга фикрни баён этишнинг аниқ белгиланган режаси бўлиши керак. Нутқнинг таъсирчанлигида раҳбар ва ўқитувчи шахсининг ўзини қандай тутиши, имо-ишоралари, хатто кийиниши ҳам муҳимдир. Самимийлик, одоблилиқ, ҳурмат билан қараш каби фазилатлар бошқа одамларнинг нотикга нисбатан эътиборли бўлишига ундайди. Нутқ қанчалик чиройли, мазмундор бўлса кишиларни ўзига шунчалик жалб этади. Бу масалага кишилар қадимдан қизиқиб келишган. Қадимги Юнонистон ва Римда нутқ маданиятининг назарий асослари яратилган. Шунинг учун ўша даврда нутқ олиб бориш, яъни нотиклик санъат даражасига кўтарилган. Нутқни олиб бориш сир-асрорларини Аристотель “Риторика”, Цицерон “Нотик ҳақида”, “Нотик”, Марк Фабий Квинтилиан “Нотик тайёрлаш тўғрисида” каби бир қатор асарларида ёзиб қолдирганлар.

Замонавий таълим ва тарбияда мулоқот маданиятини шакллантириш учун уларни шахслараро муносабатлар ва мулоқотга ўргатиш ишлари олиб борилади. Бунинг учун турли ижтимоий психологик тренинглари, педагогик технологиялар, усулларни қўллаш ўйлаган натижага олиб келади.

Демак: биринчидан, раҳбарлар ва педагог, ўқитувчиларнинг касбий маҳорат хусусиятларида мулоқотчанликни шакллантириш муҳим муаммодир; иккинчидан, раҳбар, ўқитувчидаги шаклланган мулоқот маданияти уларнинг фаолияти самарали бўлишига, уларга алоқадор бўлган ўқувчи шахсининг дунёқараши, билими, шахсий фазилатлари комил бўлишига таъсир этади.

Шундай қилиб, француз ёзувчиси А.Сент-Экзюпери айтганидек, “Тарбия таълимдан устун туради. Инсонни тарбия вояга етказди”. У ҳолда раҳбар ва ўқитувчи шахсида мулоқотчанликни шакллантириш зарурдир. Чунки, “Агар одамнинг сўзи ланж, оғир, пойма-пой, мужмал, қовушмаган бўлса, унинг зеҳни ҳам ўшандай, тил унинг фикрини билдиради”. (“Тафаккур гулшани”дан 159-бет.)

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Валижонов Р ва б. Менежмент асослари. – Т.: Шарқ, 2002.
2. Езопова С. А. Менежмент в дошкольном образовании: Учеб. пособие. для. студ. выш. учеб. заведений – М.: Академия, 2003.
3. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда менежментнинг асосий тушунчалари. – Т.: Фан, 2006.
4. Toshpo'latova, N. (2021). CHET TILI FANLARINI O'QITISHDA O'QUVCHINING INDIVIDUAL PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARINI HISOBGA OLISH USULLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3073>
5. Toshpo'latova, N. (2021). ПРИ ОБУЧЕНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ - УЧИТЫВАТЬ ПСИХИКУ УЧАЩИХСЯ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1386>